

Амир темурнинг ҳаётӣ сабоқларидан лавҳалар

*Т.ф.н Норбўтаев Парда Панжиевич
ҚВХТХҚТМОИ Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири*

*Полвонов Козимбек Наимович
ҚВХТХҚТМОИ Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси ўқитувчиси*

Темурнинг ёшлик йиллари тўғрисида тарихий манбаларда материаллар йўқ. Темурнинг ўзи ёшлик даври ҳақида ёзишга розилик бермаганлигини айрим манбалардан биламиз.

Клавихо ёзади: У топган бойликларини йигитлари билан баҳам кўрган ботир, очиқ чехрали инсон бўлиб, атрофида 300 отлик йигитларни тўплаган. Шундан кейин у юриш бошлаб атрофидаги эл-элатларни ўзига бўйсундира бошлаган. (*Қаранг, Темурлан эпохо, личность, деяния гураш. Москва, 1992 йил, 302-бет*).

Темур ўзининг ботирлиги, ғамхўрлиги, одамлар танлашдаги билимдонлиги, айниқса, уларга бошчилик қилиш маҳорати билан ажралиб турганлиги боис Моварауннаҳр воҳаси ёшлари орасида катта ҳурмат қозонган.

Йирик тарихчи, можар олими Херман Вамберининг фикрича: Амир Темур ёшлигидан бошлаб иззат нафсли бўлганлиги унинг келажакдаги буюклигига ишора деб қабул қилиш мумкин, - дейди (*Қаранг, Херман Вамбери, 30-бет*).

Темур ўзининг таржимаи ҳолида: Мен ўн ёшимда ўзимда фавқулодда ҳукмронлик ва улуғлик аломатларини ҳис қилдим. Ўз олдимга келувчи ҳар бир кишини сезиларли даражада ғурур ва лаёқат билан қабул қилдим: (*Қаранг, Херман Вамбери 31-бет*).

Темурнинг отаси Тарағай Шайх Шамсиддин Кулолга борганда, у Тарағайга: Мен сени табриклайман худо сенга шундай ўғил бердики, у Темур бўлади, - дейди. Амир Шамсиддин Кулол Темурнинг отасига бир ҳовуч буғдой ва майиз беради уни ҳисоблашни буюради. Ҳисобланган буғдой ва майиз 370 дона чиқади. Шунда Шайх Шамсиддин Кулол шундай дейди: Сенинг шунча авлодларинг кучли одамлар бўлади, улардан 70 таси подшолик қилади. (*Ўша китоб, 62-бет*).

Амир Темур ўзининг салтанатини ҳамма вақт уламоларга, шайхларга суянган ҳолда бошқарган. Уларга қаттиқ ҳурмат билан қараб, пайғамбарларимиз ва унинг диний уламоларини ўзининг энг яқин кишиси ҳисобланган. Қаерга юриш қилган бўлса, у ислом байроғини баланд кўтарган. Энг муҳими меҳнаткаш кишилар ҳурматини қозонган. Ёлғон гапирган, алдоқчи кишилардан узоқроқда бўлишга интилгани унинг энг яхши фазилати бўлган. У шундай дейди: Мен бир қўлимда адолат шамини, иккинчи қўлимда ҳақиқат шамини ушладим. Шу икки шам билан мен ўзимни ҳаёт йўлимни белгиладим. (*Ўша китоб, 48-бет*).

Амир Темур ўзининг автобиографиясида таъкидлайдики: Уламолар мени буюклигимни, менинг худонинг кучи ва марҳамати билан кучли эканлигимни таъкидлаб, улар Қуръони Каримдан: Ҳукмдор, подшоҳ ўзини ҳаракатида адолатга таянса, унга қарам бўлган кишилар сўзсиз бўйсунадилар ва душманлари унинг олдида сажда қилиб туради,-деган ғояти калимани келтирдилар (*Қаранг, Ўша китоб 49-бет*).

Амир Темур Хоразмга кетаётганида ўзининг пири шайх Зайниддин Абубакирга хат ёзиб, ундан қуйидаги жавобни олган: **Темур, ҳамма вақт эсингда бўлсин, доимо тўртта сифатни ўзингда сақла:**

1. Ҳар қандай юришингни пайғамбаримизнинг юришига ўхшаб худога сиғиниб ва унга ишонган ҳолда бошла.

2. Ўзингни ишларингни амалга ошираётганда буюк Абрамга ўхшагинки, ҳамма нарсани ҳисобга олгинки, у кетгандан кейин сенга ҳукмингдаги мамлакатда одамларни қирғин қилиш ва оғир душманлик бўлишига йўл қўймагин.

3. Ҳар қандай ишни Муҳаммад сингари маслаҳат билан амалга ошир. Кўп подшоҳлар бўлган, ҳеч кимдан сўрамасдан иш қилган, улар ҳукмронлиги узоқ давом этмаган.

4. Тўрга ўтган мусулмон халифаларидан ўрнак ол: Жасур бўл, ҳамхўр ва меҳрибон бўл, ҳар қандай ишни эътибор ва хушёрлик билан қил, қушлар қилганидек иш қил, қушлар жуда катта эътибор билан уясига тухум қўяди.

Шунинг учунки, у тухумлардан жўжалар пайдо бўлсин деб, - деган жавобни ёзиб юборган (*Ўша китоб, 54-55 бетлар*).

Темур ўзининг таржимаи ҳолида отасини унга берган насиҳатини ёзади. Эшит ва эслаб қол, менинг сенга айтган насиҳатларимни:

1. Ўқи ва эсдан чиқарма, ўзингни ота ва боболарингни эсла, сен Темур Тарағайнинг ўғли, Тарағай Баргулнинг ўғли, Баргул Аджал Нуяннинг ўғли, Анжал Нуян Суюнчининг ўғли, Суюнчи Ирдамчи барлоснинг ўғли, Ирдамчи барлос Кучли Баҳодирнинг ўғли, Кучли Баҳодир Туманнинг ўғли эканлигини эсдан чиқарма.

2. Темур ҳар ерда ота-боболаринг каби иш қил, шариатга амал қил, Муҳаммаднинг авлодларини ўрган ва ҳурмат қила, одамларга ғамхўр ва меҳрибон бўл.

3. Эсла, биз ҳаммамиз Худонинг қулимиз. Худо сенга нимани берса рози бўл, унга қулоқ сол, Худо томонидан ман қилинган нарсаларни қилма.

4. Қариндошлик ипларини узма, ҳеч кимга зарар етказма, сенга хизмат қилган кишиларни мукофотла, кечиримли бўл.

Темур ўзига содиқ бир неча киши билан ҳозирги Бухоро ва Хива ҳудудларида Хазар Каспий денгизгача чўзилган чўлларда Туғлуқ Темур таъқибидан қочиб азоб-уқубатли, қочқинлик кунларни ўз бошидан ўтказди. Темурнинг бу азобли ҳаёт йўлида вафодор хотини Ўлжой Туркон бирга бўлиб, неча кун-тунлар ҳеч бир овқатсиз, сувсиз қолиб яшашди.

Амир Темур ўзининг тузукларида ёзишича, пири Шайх Зайниддин Абубакир 4 нарсага амал қилгин деб маслаҳат берган: 1. Кенгаш, 2. Машварату маслаҳат, 3. Қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик, 4. Эҳтиёткорлик.

Амир Темур Херман Вамберининг далолатича: Қандан бўлсада бир мамлакатда зулм ва ҳақсизлик кўпайса, халқнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш, ҳар қанақа фитначиларни ва қонунбузарларни тугатиш учун у мамлакатга ҳужум қилиш керак, ҳақиқий ҳукмдор ҳар бир қавм ва қабилаларини уларга зулм қилувчилардан озод этишга ҳуқуқлидир. Ушбу

нуқтаи-назардан қараб мен Хуросонни фатҳ этиб, Форс,Ироқ, Шом мамлакатларини бўйсундирдим деб ёзади *(Херман Вамбери. 38-бет)*.

Амир Темур ислом динига таянган. У ўз тузукларида келтирган: Биринчи шиорим Ислом дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Ҳар ерда, ҳар вақт ислом динини қувватладим *(Қаранг, Темур тузуклари, 53-бет)*.

Амир Темурнинг диний йўл кўрсатувчилари Амир Шамсиддин Кулол, Шайх Зайниддин Абубакир Тойбандий, куючинчалик Маккадан келган Шайх Саид Барака бўлиб, у киши 1370 йилдан то умрининг охиригача жаҳонгир билан бирга бўлган. Темур билан мусулмон уламолари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиб келинган. Темур моҳир саркарда сифатида амирлар, сипоҳийлар, баҳодирлар билан иттифоқда бўлиб, уларнинг мардлиги, мардонаворлигига таяниб: Шамшир зарби билан 27 подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Маҳриб, Шом, Миср, Ироқи Араб, Ироқи Ажам, Мозандарон, Гилонот, Ширвонт, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти Жете, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Қобулистон, Бахтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб ҳукм сурдим, - дейди. *(Ўша китоб, 54-бет)*.

Амир Темур буюк ҳарбий саркарда сифатида жангда қаҳрамонлик кўрсатганларга Баҳодирлик унвонини берган. Амир Темур фармонида кўра уруш даврида мингбошининг ҳукми юзбошига, юзбошининг ҳукми ўнбошига, ўнбошининг ҳукми қўл остидагиларга сўзсиз итоат буйруғи саналган.

Амир Темур сипоҳга маош беришнинг қуйидаги тартибини жорий қилган. Оддий сипоҳийга минган отининг баҳоси, Баҳодирларга 2 от баҳосидан 4 от баҳосигача ўнбошилар маоши ўзининг сипоҳийларидан 10 баробар ортиқ, юзбошиларнинг маоши ўнбошининг маошидан 2 маротаба ортиқ, мингбошининг маоши юзбошиникидан 3 баробар ортиқ бўлган.

Амир Темур Олий ҳукмдорга яқин кишилар сифатида навкарлардан уч юз ўн уч кишига амирлик мансабини берган. Улар насли тоза, ақл-фаросатили, баҳодир довурак, тадбиркор, сергак эҳтиёткор кишилар бўлган. Шу 313 кишидан бирортаси ўлса, ўрнига муовинлари ўтган. Бу юқори унвонли кишилар жанг сирларини, душманни енгиш йўлини билган. Уруш даврида ўзини

йўқотмаган, лашкарларни жангга бошлай оладиган, агар кўшин сафида парокандалик бошланса вақтида тузатаоладиган кишилар ҳисобланган.

Амир Темури фармони билан қайси бир Амири бирор мамлакатни босиб олиб, душман лашкарларини енгса, уни уч нарса билан мукофотлаганлар: Китоб, Туғ, Ноғора. Сўнгра уни баҳодир деб эълон қилишган. Иккинчи марта шундай ғалабани қўлга киритса, юқоридаги мукофотларга қўшимча уни давлат ва салтанат шериги ҳисоблаб кенгаш мажлисларига киришга рухсат қилинган. Учинчи маротаба ғалабани қўлга киритса, унга вилоятлардан бири топширилган ва ўша ерлик амирлар унга бўйсундирилган.

Амир Темурининг ҳарбий маҳорати шундаки, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилардан қайси бири душман сафини бузса, қарши душман армиясини енга, ўнбоши бўлса, шу шаҳар ҳокимлигини беришни, юзбоши ва мингбошилар енга, уни бирор мамлакат ҳукмдори лавозимига кўтаришни буюрган. Бунга мисол: Юзбоши Барлос Баҳодир Тўхтамиш билан бўлган урушда уни енгиб душман билан юзма-юз тўқнашиб кучини синдиргани учун уни Ҳисори Шодмон мамлакатига ҳоким этиб тайинладим деб таъкидлайди *(Темури тузуклари, 82-бет)*.

Амир Темури амирларидан қайси бири душман кўлидаги бирор мамлакатни босиб олса, шу мамлакатни уч йилга унга инъом тариқасида бериш тўғрисида фармон чиқарган.

Темури қўл остидаги ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора бердирган. Амирули Умарога байроқ ва ноғора: туман туғи ва чартуғ амир даражасини билдирувчи учи ўткир найза тақдим этган. Юзбоши ва мингбошига биттадан катта ноғора, чартуғ ва бурғу берган. Юқоридаги келтирилган инъомлар амирларнинг хизматларига берилган баҳо бўлган. Уруш вақтида оддий аскарлардан 18 киши ўзи билан бир чодир, ҳар бир аскар 2 та от, бир камон, бир ўқдон бир қилич, арра, бигиз, жувалдуз, болта, 10 та игна орқасига осадиган чарм халтани доимо ўзи билан бирга олиб юрган. Баҳодирларга эса ҳар 5 кишига бир чодир, 1 та темир совут, дубулға, бир қилич, ўқдон, камон ва 5 та от олиб юришни буюрган. Ўнбошилар ҳар бири ўзи билан чодир, совут, садоқ ўқдон, камон ва 5 та от олиб юришган. Юзбошилар эса

ўқдон, камон, гурзи чумар, дубулға, совут, багтар темирдан ясалган уруш укийимини ўзи билан олиб юрган. Мингбошиларга эса бир чодир, бир соябон, курол аслаҳалар, жавшан темир совут, дубулға, найза, қилич, ўқдон ва ўқ-ёйдан ҳохлаганча олишни буюрган. Биринчи амир бир чодир, бир ўтов, 2 та соябон, курол-аслаҳалардан ўз қўл остидагиларга етарлича олган. Биринчи Амир 110 та от, иккинчиси 120 та от, учинчиси 130 та от, Амиркул Умаро ўзи билан 300 та от олиб юрган. Темур қўшинидаги сипоҳийларнинг ўзига керакли бўлган ҳамма нарсаси доимо ўзлари билан бирга бўлган. Ўша даврда бундай қўшин фақатгина Амир Темур қўл остида жам бўлган эди. Амир Темурнинг хос соқчилари 12 минг киши бўлган. Кечаси улардан 1000 киши соқчилик қилган.

Амир Темур Жаҳонгирлик қилишга киришганимда 4 нарсани хотирамда сақладим, - дейди. — Биринчиси қайси мамлакатни бўйсундирмоқчи бўлсам тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Учинчиси, 313 асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлашдим, улар ўртасидаги бирлик иттифоқлиги шундай эдики, ҳаммаси бир кишидек, бир ёқадан бош чиқарганлиги, бир ишни қилмоқчи бўлса уни биткармагунча ундан қўл узмаганлиги. Тўртинчиси, бугунги ишни эртага қолдирмаганман (*Ўша китоб, 93-бет*).

Амир Темурнинг яна бир муҳим ҳарбий маҳорати шундаки, душман аскарлари 12 минг отликдан ошмаса, бу урушда Амирул-Умаро сардорлик қилган. Аскарларни 9 гуруҳга бўлиб урушга кирган. Амирул-Умаро уруш жойини танлашда 4 нарсани назардан қолдирмаган.

Биринчиси, у ернинг сувини, иккинчиси аскар сақлайдиган ерини, учинчиси офтобга рўбару бўлмасликни, тўртинчиси уруш майдони очик кенг жой бўлмоғи лозимлигини. Лашкарлари кўзи душман аскарларига тушиши билан баланд овоз билан Аллоху акбар деб чақирганлар ва шовқин-сурон билан душман лашкарлари устига бостириб борганлар.

Душман лашкарлари 12 мингдан ортиқ бўлса-ю, лекин 40 мингга етмаса лашкарларга Амир Темур ўғилларидан бири сардор бўлган.

Агар душман аскари 40 мингдан ортиқ бўлса ҳамма жангчиларим менинг Зафарли байроғим остида бўлсин ва амру фармонимни кутсин деб таъкидлаган Амир Темур (*Қаранг, Темур тузуклари, 104-бет*).

Хулоса шуки, Амир Темур ўз даврининг йирик ва моҳир сиёсатчиси ва буюк давлат арбоби бўлиб, биз яшаб турган ҳозирги кунда ҳам унинг ҳаёти ва босиб ўтган йўли ўз қимматини сақлаб қолаётир. Шунинг учун насихатларига мурожаат қилмоғимиз ҳозирги куннинг энг муҳим талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Темурлан эпохо, личность, деяния гураш. Москва, 1992 йил, 302-бет
2. Херман Вамбери, 30-бет
3. Темур тузуклари, 104-бет